



КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ СТРАТЕГИЯСИ: ТУШУНЧА, ҲУҚУҚИЙ ТАБИАТ ВА АСОСИЙ ФУНКЦИЯЛАР

Омонжонов Иzzатжон Иқболжон ўғли
Ўзбекистон Республикаси

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси
магистратураси тингловчиси

E-mail: izzatjon707@gmail.com

<https://doi.org/10.5281/zenodo.20228888>

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 12-may 2026 yil

Ma'qullandi: 14-may 2026 yil

Nashr qilindi: 16-may 2026 yil

KEYWORDS

коррупция, коррупцияга
қарши курашиш
стратегияси, ҳуқуқий
табиат, профилактика,
давлат бошқаруви,
мониторинг, баҳолаш,
ҳуқуқий сиёсат, халқаро
стандартлар, Ўзбекистон.

ABSTRACT

Мазкур мақолада коррупцияга қарши курашиш стратегияси тушунчаси, унинг ҳуқуқий табиати ва давлат бошқаруви тизимидаги асосий функциялари назарий-ҳуқуқий жиҳатдан таҳлил қилинган. Тадқиқотда БМТнинг Тадқиқотда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши конвенцияси, БМТнинг Гиёҳванд моддалар ва жиноятчилик бўйича бошқармаси, БМТ Тараққиёт дастури, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти ҳамда бошқа халқаро ташкилотлар тавсиялари асосида коррупцияга қарши стратегияларнинг мазмун-моҳияти очиқ берилган. Мақолада коррупцияга қарши курашиш стратегияси оддий дастурий ҳужжат ёки чора-тадбирлар режаси эмас, балки давлатнинг миллий манфаатлари ва халқаро-ҳуқуқий мажбуриятларига асосланган узоқ муддатли, комплекс ҳуқуқий-сиёсий ҳужжат сифатида баҳоланади. Шунингдек, стратегиянинг мувофиқлаштирувчи, превентив, мониторинг-баҳолаш, ҳуқуқий маданиятни шакллантириш ва институционал ислоҳотларни йўналтириш функциялари таҳлил қилинган. Тадқиқот натижасида Ўзбекистонда коррупцияга қарши миллий стратегиянинг ҳуқуқий мақомини, қабул қилиш тартибини, амал қилиш муддатини ва ижро механизмини қонунчиликда аниқ белгилаш зарурати асослаб берилган.

Коррупция замонавий давлат бошқаруви, қонун устуворлиги, иқтисодий барқарорлик ва жамоатчилик ишончига бевосита таҳдид солувчи мураккаб ижтимоий-ҳуқуқий ҳодиса ҳисобланади. Унинг хавфли жиҳати шундаки, коррупция фақат алоҳида мансабдор шахнинг ноқонуний хатти-ҳаракатини эмас, балки бутун давлат аппарати фаолиятидаги тизимли нуқсонларни ҳам намоён этади. Шу сабабли коррупцияга қарши

курашиш фақат жиноий жавобгарлик чоралари ёки алоҳида профилактик тадбирлар билан чекланмаслиги, балки узоқ муддатли, мувофиқлаштирилган ва ҳуқуқий жиҳатдан аниқ белгиланган стратегик ёндашувга асосланиши лозим.

БМТнинг 2003 йил 31 октябрда қабул қилинган Коррупцияга қарши конвенцияси мазкур соҳадаги асосий халқаро-ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланади. Конвенциянинг 5-моддасига мувофиқ, ҳар бир иштирокчи давлат ўз ҳуқуқий тизимининг асосий принципларига мувофиқ коррупциянинг олдини олишга кўмаклашувчи самарали ва мувофиқлаштирилган сиёсатни ишлаб чиқиши ва амалга ошириши лозим¹. Ушбу норма коррупцияга қарши курашишни фақат жиноят-ҳуқуқий таъқиб доирасида эмас, балки давлат сиёсатининг алоҳида, тизимли ва институционал йўналиши сифатида ташкил этиш зарурлигини кўрсатади.

Коррупцияга қарши курашиш стратегияси айнан ушбу халқаро-ҳуқуқий мажбуриятни миллий даражада амалга оширишнинг энг мақбул шаклларида бири ҳисобланади. Чунки стратегия давлат органлари, фуқаролик жамияти институтлари, хусусий сектор ва жамоатчилик иштирокини ягона мақсад атрофида бирлаштиради. Шу маънода, коррупцияга қарши стратегия оддий режа эмас, балки давлатнинг коррупцияга қарши сиёсатини узоқ муддатли ва тизимли асосда белгилаб берувчи ҳуқуқий-сиёсий ҳужжатдир.

Илмий адабиётларда “стратегия” тушунчаси оддий ҳаракатлар режасидан фарқли равишда, муайян мақсадга эришишда мавжуд ресурслар, хавфлар, эҳтимолий қаршиликлар ва институционал имкониятларни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқиладиган кенг қамровли ёндашув сифатида баҳоланади. Л. Фридманнинг фикрига кўра, режа одатда бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтиш учун белгиланган ҳаракатлар кетма-кетлигини англатса, стратегия турли манфаатлар, эҳтимолий тўсиқлар ва рақобатли муҳит мавжуд бўлган шароитда талаб этиладиган бошқарув воситасидир². Бу ёндашув коррупцияга қарши курашиш соҳасига ҳам тўлиқ мос келади. Чунки коррупцияга қарши ислохотлар кўпинча институционал қаршилиқ, манфаатлар тўқнашуви, яширин иқтисодий алоқалар ва маъмурий инерция билан тўқнашади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Гиёҳванд моддалар ва жиноятчилик бўйича бошқармаси ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Тараққиёт дастури томонидан қабул қилинган “Коррупцияга қарши стратегиялар бўйича Куала-Лумпур баёноти”да коррупцияга қарши стратегиялар давлат томонидан коррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олиш бўйича кўриладиган чора-тадбирлар учун кенг қамровли сиёсий асос сифатида эътироф этилган³. Мазкур ёндашувда стратегиянинг асосий вазифаси коррупцияга қарши курашиш соҳасида ҳукумат ва бошқа манфаатдор томонларнинг саъй-ҳаракатларини мувофиқлаштириш, ресурсларни тўғри тақсимлаш, сиёсатни амалга ошириш ва унинг натижаларини баҳолашдан иборат экани таъкидланади.

БМТнинг “Миллий коррупцияга қарши стратегиялар: ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича амалий қўлланма”сида ҳам стратегия БМТ Коррупцияга қарши конвенциясининг 5-моддасида белгиланган “самарали ва мувофиқлаштирилган коррупцияга қарши сиёсат” концепциясини амалга оширишнинг институционал ифодаси сифатида баҳоланади⁴. Демак, коррупцияга қарши курашиш стратегияси халқаро стандартларни миллий ҳуқуқий тизимга мослаштириш, давлат органлари

фаолиятини ягона йўналишга солиш ва коррупциявий хавф-хатарларни тизимли бошқариш воситасидир.

Коррупцияга қарши курашиш стратегияси тушунчасига турли давлатларда турлича номлар берилиши мумкин. Айрим мамлакатларда у “миллий коррупцияга қарши стратегия”, бошқаларида “коррупцияга қарши сиёсат концепцияси”, “миллий ҳалоллик режаси” ёки “кўп йиллик коррупцияга қарши дастур” деб юритилади. Бироқ атамалардаги фарқ ушбу ҳужжатнинг моҳиятини ўзгартирмайди. Асосий масала унинг ҳуқуқий мақоми, амал қилиш муддати, ижро механизми, мониторинг тизими ва натижавий кўрсаткичлари аниқ белгиланган-белгиланмаганида намоён бўлади.

Шу нуқтаи назардан, коррупцияга қарши курашиш стратегиясига қуйидагича таъриф бериш мумкин: коррупцияга қарши курашиш стратегияси - бу давлатнинг миллий манфаатлари ва халқаро-ҳуқуқий мажбуриятларига асосланган, коррупциявий хавф-хатарларни тизимли профилактика қилиш, давлат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш, жамиятда ҳуқуқий маданият ва коррупцияга нисбатан муросасизлик муҳитини шакллантиришга қаратилган узоқ муддатли комплекс норматив-ҳуқуқий ва институционал чора-тадбирлар тизимидир.

Ушбу таърифдан келиб чиқиб, коррупцияга қарши курашиш стратегиясининг бир нечта муҳим белгиларини ажратиш мумкин. Биринчидан, у узоқ муддатли ҳужжат ҳисобланади. Коррупцияга қарши курашишда қисқа муддатли ва эпизодик чоралар барқарор натижа бермайди. Иккинчидан, стратегия комплекс хусусиятга эга бўлиб, у фақат ҳуқуқни муҳофаза қилиш чоралари билан чекланмайди, балки профилактика, таълим, давлат бошқарувини рақамлаштириш, манфаатлар тўқнашувини бошқариш, давлат харидлари шаффофлиги ва жамоатчилик назоратини ҳам қамраб олади. Учинчидан, стратегия мувофиқлаштирувчи ҳужжат сифатида турли давлат органлари ва институтларнинг вазифаларини ягона тизимга солади. Тўртинчидан, у мониторинг ва баҳолаш механизмларига эга бўлиши керак. Чунки стратегияда белгиланган мақсадлар аниқ индикаторлар орқали ўлчанмаса, у декларатив ҳужжат сифатида қолиб кетиши мумкин.

Коррупцияга қарши курашиш стратегиясининг ҳуқуқий табиати унинг давлат ҳуқуқий тизимида тутган ўрни билан белгиланади. Юридик нуқтаи назардан, мазкур стратегия иккиёқлама ҳуқуқий табиатга эга. Бир томондан, у давлатнинг халқаро-ҳуқуқий мажбуриятларини миллий даражада амалга ошириш воситаси ҳисобланади. Иккинчи томондан, у миллий давлат бошқаруви тизимида коррупцияга қарши ислохотларнинг устувор йўналишлари, институционал тузилиши ва қонун ижодкорлиги жараёни учун концептуал асос вазифасини бажаради.

Шу жиҳатдан, коррупцияга қарши курашиш стратегиясини оддий идоравий режа ёки маъмурий дастур сифатида баҳолаш тўғри эмас. У давлатнинг коррупцияга қарши сиёсатини белгилайдиган юқори даражадаги дастурий-ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланади. OECDнинг давлат секторида ҳалолликни таъминлашга оид тавсияларида ҳам коррупцияга қарши ислохотлар самарадорлиги юқори сиёсий ирода, институционал мувофиқлашув ва аниқ натижавий кўрсаткичларга боғлиқ экани таъкидланади⁵. Бу эса стратегиянинг ҳуқуқий табиатида сиёсий, ташкилий ва норматив элементлар ўзаро уйғунлашганини кўрсатади.

Коррупцияга қарши стратегиянинг ҳуқуқий табиати, аввало, унинг норматив йўналтирувчи кучида намоён бўлади. Стратегиянинг ўзи ҳар доим ҳам бевосита ҳуқуқий жавобгарлик белгиловчи ҳужжат бўлмаслиги мумкин. Бироқ у кейинчалик қабул қилинадиган қонунлар, фармонлар, қарорлар, давлат дастурлари ва идоравий ҳужжатлар учун концептуал асос бўлиб хизмат қилади. Шу маънода, стратегия ҳуқуқий тизимда “йўналтирувчи норматив асос” вазифасини бажаради.

Коррупцияга қарши курашиш стратегиясининг ҳуқуқий табиатини аниқлашда унинг объекти ва предмети ҳам эътибор қаратиш лозим. Жиноят қонунчилиги асосан коррупциявий қилмиш содир этган шахсни жавобгарликка тортишга қаратилган бўлса, стратегиянинг асосий мақсади коррупцияни келтириб чиқараётган тизимли омилларни бартараф этишдан иборат. Бундай омиллар қаторига давлат хизматчиларининг ортиқча дискрецион ваколатлари, қарор қабул қилиш жараёнларининг ёпиқлиги, манфаатлар тўқнашувининг самарали бошқарилмаслиги, давлат харидларида шаффофлик етишмаслиги, ҳисобдорлик механизмларининг заифлиги ва жамоатчилик назоратининг чекланганлиги киради.

А. Шоҳ ва Ж. Хутернинг ёндашувига кўра, коррупцияга қарши курашишда самарали сиёсат коррупциядан кутиладиган манфаатни камайтириш, коррупцион хатти-ҳаракат учун жавобгарлик эҳтимолини ошириш ва давлат бошқарувида ҳисобдорликни кучайтиришга қаратилган бўлиши лозим⁶. Демак, стратегиянинг ҳуқуқий табиати фақат жазолашга эмас, балки бошқарув тизимини ўзгартиришга йўналтирилганлиги билан характерланади.

Коррупцияга қарши курашиш стратегияси проактив хусусиятга эга бўлиши лозим. Реактив ёндашув коррупциявий ҳуқуқбузарлик содир этилгандан кейин уни аниқлаш ва жазолашга қаратилса, проактив ёндашув коррупцияга олиб келиши мумкин бўлган шарт-шароитларни олдиндан аниқлаш ва бартараф этишни назарда тутди. Бу жиҳатдан стратегия коррупцияга қарши курашишда хавфларни бошқариш, коррупциявий омилларни баҳолаш ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш каби механизмлар билан узвий боғлиқдир.

Ўзбекистон Республикасида ҳам сўнгги йилларда коррупцияга қарши курашишнинг ҳуқуқий асослари босқичма-босқич такомиллаштирилмоқда. 2017 йил 3 январда қабул қилинган “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонун мазкур соҳадаги асосий қонун сифатида коррупцияга қарши давлат сиёсатининг принциплари, ваколатли органлар тизими ва профилактика чораларини белгилаб берди⁷. Кейинчалик Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг ташкил этилиши, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизаси институтининг жорий этилиши, манфаатлар тўқнашувини тартибга солишга оид қонунчиликнинг ривожланиши миллий тизимда профилактик ёндашувнинг кучайиб бораётганини кўрсатади.

Шу билан бирга, коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги миллий сиёсат Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 30 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасида коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-270-сон Фармони билан янги босқичга олиб чиқилди. Мазкур Фармонда 2030 йилгача коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасидаги устувор йўналишлар белгиланиб, коррупция оқибатлари билан

курашишдан кўра коррупциявий омилларни барвақт аниқлаш, превентив механизмларни жорий этиш, рақамли технологиялардан, шу жумладан сунъий интеллектдан фойдаланиш ҳамда давлат органлари фаолиятида очиқлик сиёсатини изчил давом эттириш асосий вазифалар сифатида белгиланди. Бу эса коррупцияга қарши стратегиянинг фақат назарий тушунча эмас, балки давлат бошқарувини модернизация қилишга қаратилган амалий ҳуқуқий-сиёсий восита эканини тасдиқлайди.

Бироқ ҳуқуқий асосларнинг мавжудлиги ўз-ўзидан етарли эмас. Коррупцияга қарши сиёсатнинг самарадорлиги ушбу нормаларни ягона стратегик мақсад атрофида бирлаштириш, масъул субъектлар ўртасида аниқ вазифалар тақсимотини белгилаш, натижаларни баҳолаш ва жамоатчиликка очиқ ҳисобот бериш механизмлари билан таъминланишига боғлиқ. Бу жиҳатдан ПФ-270-сон Фармонда Коррупцияга қарши курашиш агентлигига коррупцияга қарши курашиш бўйича стратегия ва давлат дастурларини, шунингдек ҳудудий ва тармоқ дастурларини ишлаб чиқиш, уларни амалга оширишни ташкил этиш ҳамда ижросини мониторинг қилиб бориш функцияси юклатилгани алоҳида аҳамиятга эга. Ушбу норма стратегиянинг институционал эгаси, ижро механизми ва мониторинг субъектини аниқлашда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади. Бироқ бу вазифа стратегиянинг умумий ҳуқуқий мақоми, қабул қилиш тартиби, амал қилиш муддати ва парламент-жамоатчилик назорати механизмларини қонун даражасида мустаҳкамлаш заруратини истисно этмайди, аксинча уни янада долзарб қилади.

Шу боис Ўзбекистонда коррупцияга қарши миллий стратегиянинг ҳуқуқий мақоми аниқ белгилаш, уни қабул қилиш тартиби, амал қилиш муддати ва ижро механизмларини қонунчиликда мустаҳкамлаш муҳим аҳамият касб этади.

Мазкур масаланинг амалий аҳамияти шундаки, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2024 йил 10 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги миллий маърузаси ҳақида”ги 4821-IV-сон қарорида Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашиш бўйича миллий стратегия ҳанузгача қабул қилинмагани қайд этилган. Шу қарорда Коррупцияга қарши курашиш агентлигига Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашиш бўйича миллий стратегияни қабул қилиш ишларини якунига етказиш чораларини кўриш тавсия қилинган. Демак, миллий стратегиянинг ҳуқуқий мақоми белгилаш масаласи фақат назарий таклиф эмас, балки амалда парламент назорати доирасида ҳам кўтарилган долзарб муаммодир.

Коррупцияга қарши курашиш стратегиясининг асосий функциялари унинг ҳуқуқий табиатини янада аниқроқ очиқ беради. Биринчи функция - мувофиқлаштирувчи функциядир. Коррупцияга қарши курашиш жараёнида прокуратура, ички ишлар органлари, адлия органлари, давлат хизматини ривожлантириш соҳасидаги институтлар, давлат харидлари бўйича ваколатли органлар, судлар, парламент, фуқаролик жамияти институтлари ва оммавий ахборот воситалари иштирок этади. Агар уларнинг фаолияти ягона стратегия асосида мувофиқлаштирилмаса, коррупцияга қарши чоралар тарқоқ ва такрорий тус олиши мумкин. Стратегия эса ҳар бир субъектнинг вазифаси, масъулияти ва ҳамкорлик механизмларини белгилаш орқали идоралараро мувофиқлашувни таъминлайди.

Иккинчи функция - превентив функциядир. Коррупцияга қарши стратегиянинг асосий вазифаси коррупция содир этилгандан кейин жазолаш эмас, балки уни келтириб чиқарувчи шарт-шароитларни олдиндан бартараф этишдан иборат. Бу функция маъмурий тартиб-таомилларни соддалаштириш, давлат хизматларини рақамлаштириш, манфаатлар тўқнашувини декларация қилиш, давлат харидлари жараёнларини очиқлаштириш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш каби чоралар орқали амалга оширилади. Превентив функция стратегиянинг энг муҳим жиҳатларидан бири бўлиб, у коррупцияга қарши курашишни фақат жазо сиёсати эмас, балки давлат бошқарувини ислоҳ қилиш жараёни сифатида талқин этиш имконини беради.

Учинчи функция - норматив-йўналтирувчи функциядир. Стратегия давлатнинг коррупцияга қарши сиёсатини ҳуқуқий жиҳатдан йўналтиради. У қайси соҳаларда қонунчиликни такомиллаштириш, қайси институтларни кучайтириш, қайси жараёнларни рақамлаштириш ва қайси хавфларни устувор тарзда бартараф этиш кераклигини белгилайди. Шу жиҳатдан, стратегия қонун ижодкорлиги жараёни учун ҳуқуқий-мафкуравий асос вазифасини бажаради. Масалан, миллий стратегияда манфаатлар тўқнашуви, активларни декларация қилиш, давлат харидлари шаффофлиги, лоббичилик фаолиятини тартибга солиш ёки хабар берувчиларни ҳимоя қилиш каби масалалар устувор йўналиш сифатида белгиланса, кейинги қонунчилик ишлари ҳам айнан шу йўналишлар бўйича олиб борилади.

Тўртинчи функция - мониторинг ва баҳолаш функциясидир. Коррупцияга қарши стратегия аниқ мақсадлар, индикаторлар ва натижавий кўрсаткичларга эга бўлиши керак. Акс ҳолда, унинг ижросини баҳолаш имкони бўлмайди. OECD тавсияларида коррупцияга қарши стратегиялар вазият таҳлили, натижавий мақсадлар, уларга эришиш кўрсаткичлари ва мониторинг механизмларига эга бўлиши лозимлиги таъкидланади⁸. Бу функция стратегиянинг декларатив эмас, балки амалий ҳужжат сифатида ишлашини таъминлайди. Мониторинг ва баҳолаш орқали қайси чоралар самара бергани, қайси йўналишларда муаммолар сақланиб қолаётгани ва қайси институтлар ўз вазифасини етарли даражада бажармаётгани аниқланади.

Бешинчи функция - таълимий ва ижтимоий-маданий функциядир. Коррупцияга қарши курашишда ҳуқуқий нормалар ва институционал механизмлар муҳим бўлса-да, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабат шаклланмас экан, барқарор натижага эришиш қийин. Л.В.Ж.К. Хубертс коррупцияга қарши курашишда таълимий ва маданий стратегиялар аҳамиятини алоҳида таъкидлайди. Унинг фикрича, давлат хизматчилари ва аҳоли кадриятларини ўзгартириш, ҳалоллик маданиятини шакллантириш ва раҳбарлар томонидан намунавий хулқ-атвор кўрсатилиши коррупцияга қарши сиёсатнинг ажралмас қисми ҳисобланади⁹. Шу сабабли коррупцияга қарши стратегияда таълим, тарғибот, одоб-ахлоқ стандартлари ва жамоатчилик назоратига алоҳида эътибор қаратилиши лозим.

Олтинчи функция - хавфларни бошқариш функциясидир. Коррупция хавфи барча соҳаларда бир хил даражада намоён бўлмайди. Давлат харидлари, лицензиялаш, рухсат бериш, назорат-текширув фаолияти, кадрлар танлови, давлат мулкни бошқариш каби соҳаларда коррупциявий хавфлар юқорироқ бўлиши мумкин. Шу боис стратегия ушбу хавфларни аниқлаш, баҳолаш ва устуворлик даражасига кўра бартараф этиш имконини

бериши лозим. Хавфларни бошқариш функцияси стратегияни умумий сиёсий баёнотдан амалий бошқарув воситасига айлантиради.

Еттинчи функция - ҳисобдорлик ва жамоатчилик назоратини таъминлаш функциясидир. Коррупцияга қарши стратегиянинг самарадорлиги фақат давлат органларининг ички фаолиятига боғлиқ эмас. Унинг ижроси жамоатчилик, оммавий ахборот воситалари, нодавлат ноижорат ташкилотлари ва экспертлар томонидан кузатилиши лозим. Шу сабабли стратегия ижроси бўйича очиқ ҳисоботлар, жамоатчилик муҳокамалари, мустақил баҳолашлар ва очиқ маълумотлар тизими муҳим аҳамиятга эга. Жамоатчилик назорати стратегиянинг шаффофлигини таъминлайди ва давлат органларининг масъулиятини оширади.

Коррупцияга қарши курашиш стратегиясини ишлаб чиқишда халқаро тажрибани механик тарзда кўчириш эмас, балки миллий ҳуқуқий тизим, давлат бошқаруви анъаналари, институционал имкониятлар ва мавжуд коррупциявий хавфларни ҳисобга олиш лозим. Айрим давлатларда коррупцияга қарши стратегия махсус мустақил органлар фаолиятига таянади, бошқаларида эса давлат бошқарувининг умумий ҳалоллик тизими, рақамлаштириш, очиқ маълумотлар ва парламент назорати орқали амалга оширилади. Демак, стратегиянинг самарадорлиги унинг номи ёки шаклида эмас, балки ҳуқуқий мақоми, реал ижро механизмлари ва натижавий баҳолаш тизимида намоён бўлади.

Ўзбекистон шароитида коррупцияга қарши курашиш стратегияси бир нечта асосий талабларга жавоб бериши лозим. Аввало, у қонунчиликда аниқ ҳуқуқий мақомга эга бўлиши керак. Иккинчидан, стратегияни қабул қилиш ва қайта кўриб чиқиш тартиби белгиланиши лозим. Учинчидан, стратегиянинг амал қилиш муддати оқилона бўлиши, у муайян давр учун аниқ мақсадлар ва индикаторларни қамраб олиши керак. Тўртинчидан, ҳар бир устувор йўналиш бўйича масъул органлар ва ижро муддатлари белгиланиши лозим. Бешинчидан, стратегия ижроси бўйича парламент, жамоатчилик ва мустақил экспертлар иштирокида мониторинг ва баҳолаш тизими жорий этилиши мақсадга мувофиқ.

Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунида коррупцияга қарши миллий стратегиянинг ҳуқуқий мақоми, уни қабул қилиш тартиби, амал қилиш муддати, ижро механизми ва мониторинг тизимига оид алоҳида нормаларни мустаҳкамлаш мақсадга мувофиқ бўлади. Бу, биринчидан, стратегиянинг ҳуқуқий барқарорлигини таъминлайди; иккинчидан, унинг ижроси учун масъул субъектлар доирасини аниқ белгилайди; учинчидан, коррупцияга қарши сиёсатнинг узлуксизлиги ва ҳисобдорлигини кучайтиради.

Хулоса қилиб айтганда, коррупцияга қарши курашиш стратегияси замонавий ҳуқуқий давлатда коррупцияга қарши сиёсатни тизимли амалга оширишнинг асосий ҳуқуқий-сиёсий воситаси ҳисобланади. У фақат чора-тадбирлар режаси ёки маъмурий дастур эмас, балки халқаро мажбуриятлар, миллий манфаатлар, давлат бошқаруви ислохотлари ва жамоатчилик назоратини бирлаштирувчи комплекс ҳужжатдир. Стратегиянинг ҳуқуқий табиати унинг норматив-йўналтирувчи, мувофиқлаштирувчи, превентив, мониторинг-баҳолаш ва таълимий функцияларида яққол намоён бўлади.

Коррупцияга қарши курашиш стратегияси самарали бўлиши учун у бир нечта муҳим шартларга эга бўлиши лозим. Биринчидан, стратегиянинг ҳуқуқий мақоми

қонунчиликда аниқ белгиланиши керак. Иккинчидан, у аниқ мақсадлар, индикаторлар ва баҳолаш мезонларига асосланиши зарур. Учинчидан, стратегияда давлат органлари, фуқаролик жамияти ва хусусий секторнинг вазифалари аниқ тақсимланиши лозим. Тўртинчидан, унинг ижроси бўйича очиқ ҳисобдорлик ва жамоатчилик назорати таъминланиши шарт. Бешинчидан, стратегия коррупция содир этилгандан кейин жазолашга эмас, балки коррупцияни келтириб чиқарувчи шарт-шароитларни олдиндан бартараф этишга қаратилган бўлиши керак.

Демак, Ўзбекистонда коррупцияга қарши миллий стратегияни шакллантириш ва унинг ҳуқуқий мақомини мустаҳкамлаш нафақат халқаро стандартларга мослашиш, балки давлат бошқаруви самарадорлигини ошириш, жамоатчилик ишончини кучайтириш ва қонун устуворлигини таъминлашнинг муҳим шартлари ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. United Nations. United Nations Convention against Corruption. New York, 31 October 2003.
2. Freedman L. Strategy: A History. Oxford: Oxford University Press, 2013.
3. UNODC & UNDP. Kuala Lumpur Statement on Anti-Corruption Strategies. United Nations, 2013.
4. UNODC. National Anti-Corruption Strategies: A Practical Guide for Development and Implementation. Vienna: United Nations Office on Drugs and Crime, 2015.
5. OECD. OECD Public Integrity Handbook. Paris: OECD Publishing, 2020.
6. Huther J., Shah A. Anti-Corruption Policies and Programs: A Framework for Evaluation. Washington, DC: World Bank, 2000.
7. Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни. 2017 йил 3 январь, ЎРҚ-419-сон.
8. OECD. Recommendation of the Council on Public Integrity. Paris: OECD, 2017.
9. Huberts L.W.J.C. What can be done against public corruption and fraud: Expert views on strategies to protect public integrity // Crime, Law & Social Change. 1998. Vol. 29. P. 209–224.
10. Pyman M., Eastwood S., Hungerford J., Elliott J. Research comparing 41 national anti-corruption strategies: Insights and guidance for leaders. London: Norton Rose Fulbright, 2017.
11. Dorhoi M. Anti-Corruption Strategies and Fighting Corruption in Central and Eastern Europe. ProQuest Information and Learning Company, 2004.
12. UNDP. Anti-Corruption Strategies: Understanding What Works, What Doesn't. Bangkok: United Nations Development Programme, 2014.
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича кўшимча чоратadbирлар тўғрисида”ги 2020 йил 29 июндаги ПФ-6013-сон Фармони.
14. Ўзбекистон Республикасининг “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизаси тўғрисида”ги Қонуни. 2023 йил 8 август, ЎРҚ-860-сон.
15. Ўзбекистон Республикасининг “Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида”ги Қонуни. 2024 йил 5 июнь, ЎРҚ-931-сон.